

МЕХНАТ БАЙРАМИ НАШИДАСИ

Шонли анъаналарга
садоқат

Меҳнат ва санъат
байрами давом этмоқда

Кувончли рақамлар

Тошкент меҳнаткашларининг
байрам кайфияти

Тежалган хом ашёдан

Беш йиллик жамғармасига



В. И. Ленин 1920 йил 1 майда Кремлдаги Бутунроссия шанбалигида.

Рассом М. Соколов асаридан.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5 йил чикиши,
11 АПРЕЛЬ 1970 й.
ШАНБА
№ 86 (1154).
БАХОСИ 2 ТИЯНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Буюк Починга содиқлик

Эрта тонг «Ташсельмаш» заводи территориясидаги кучли репродукторлар тантанали марш садоларини узоқ узокларга етказиб турибди. Завод территориясига келётган ишчиларнинг сон сабоғи йўқ.

БУГУН

дейдди завод директорининг ёрдამчиси Д. Қобулов, — заводимизга ҳар қачонидан ҳам кўп киши келди. Ҳатто меҳнат отпускисиде юрганлар, пенсионерлар ҳам В. И. Ленин юбилейига

бағишланган коммунистик шанбалликда қатнашиш истагини билдирдилар. Биз меҳнат ветерани, асбобсозлик цехининг мастери Фозил Солиқжоев билан суҳбатлашдик.

Мен заводимизда ўтказилган дастлабки шанбалликда қатнашиш шарафига муассар бўлганлигимдан беҳад бахтирман. 1929 йиллар эсимга тушиб кетди. Республикаимиз Буюк почининг ун йиллигини нишонлади. Ана шунда биз шанбалликка «Беш йилликни тўрт йилда бажарамиз», деган: шпор

билан чиққан эдик. Биз юракда ўт, ғайратшижоат билан меҳнат қилардик, янги уялар, мактаблар, ясиллар бунёд этишга ҳиссамизни қўшиб, бажонимизда курувчиларга ёрдам берардик, — дейди у.

...Мана, цехларда иш қилиб кетди. Заводда ленинча коммунистик шанбаллик кунини кеча қоронжада бўлиб ўтган митингдан кейинги завқашақ билан бошланди. Бу митингда КПСС Марказий Комитети Сибий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси

Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов коллектив аъзоларига В. И. Ленин тугилган кунининг юз йиллиги шарафига аъж олдирилган коммунистик мусобақада юксак кўрсаткичларни қўлга киритганлиги учун Ленинга Юбилей Фахрий Ерлигини тантанали равишда топширди.

Шанбалликни ўтказиш штебига кетма-кет хуш хабарлар келиб турибди. Мана, шу хабарлардан айримлари:

Пластмасса, резина ва металл керамика буюмлари тайёрланган 11 цех коллективи:

«Шанбаллик шарафига зиммалашган олган топшириқ муваффақиятли адо этилди. Ун беш минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланди».

Заводимиз — Сурдариё посёлкасидеги филиалда телефон орқали қўйидаги хабар олинди. Унда икки минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлангани, бу қўрсаткич кунини топшириқ бир ярим баравар ошириб адо этилганлигини билдирди.

Д. ДЕМИДОВ,
«Ташсельмашевец» газетасининг редактори.

Умумхалқ хашари

Хашар республикаимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини безатган халқимизнинг қадимий одатларидан бири.

1970 йил 11 апрелда мен Октябрь районида, коммунистик шанбалликка бордим.

Эрталаб соат тўққиз. Хамма ерда иш қилгани. Кетмон ва белкуррак кўтариб олган ёш-яланлар шодон қаҳдақа билан ишга киришганлар. Булар — Тошкент политехника институту ва Тошкент давлат университетининг студентлари.

Университет кўчасида политехника институту автомобиль йўллари, химия-технология ва қурилиш факультетининг студентлари иштирок этишди. Улар катта меҳнат байрамига мунособ ҳисса қўшдилар.

Ишдагиларини гапириб беришди:

— Коммунистик шанбалликда ун икки минг студент, ўқитувчи ва лаборантлар иштирок этипти.

Яна бир соатдан кейин, мен Тошкент давлат университети секретари Карим Солиқов билан суҳбатлашдим. Шунда мен яна бир нарсани ишонч ҳосил қилдим. Улуг деҳийнинг юз йиллик тўйига бағишланган умумхалқ хашарининг кенг қанот ёлганлиги кишини қувонтиради. Республиканида Ленин декрети билан илк бор очилган олий ўқув юртининг мингларча студенти бутун хашарга қатнашди. Улар катта меҳнат байрамига мунособ ҳисса қўшдилар.

В. НИКИШИН.

ЁШЛИК ЙИҒИНЛАРИ

Кеча

шаҳарнинг барча комсомол ташкилотларида Бутуниттифок комсомол йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда шаҳар ёшлари доҳий тугилган кунининг юз йиллигини олдидан ленинча ётганлиги ва меҳнатда, ўқишда ҳамда яшашда эришайтган ютуқлари ҳақида рапорт бердилар.

Трактор-йиғув заводи комсомол комитети секретари А. Зайниддинов бошлиқ комсомол-ёшлар коммунистик шанбалик ара-

фасида ўтган йиғилишнинг марказли бўлганлигини хаёбар қилади.

Тўғнамачилик комбинатиде ҳам ёшларнинг жўшқин йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёш ленинчиларнинг меҳнатда эришайтган ютуқлари қай қилинди. Бундай рақамларни янада давом эттириш мумкин...

Шаҳримизда Бутуниттифок комсомол йиғилиши, ленинчи бўлишдан, у ўз ҳаётини бағишлаган иш учун фидокорона курашини ҳам гўзалроқ, аниқлашуворроқ иш йўқлигини яна бир қай қилди.

КОНСТРУКТОРЛАР

Коммунистик кўчасида дархатлар кўп. Мевали дархатлар ҳамонда гуллаб ётипти. Шу кўчада «Хлопко-принор» давлат маҳсул конструкторлик бюросининг биноси қуриляпти.

Соат еттидан қирқ беш минг ўтган. Ушбу шанба тонгида кўча бўйлаб одамлар оқими тўтасиз ўтиб борди. Биринчи бўлиб тажрибатедиктор бўлимнинг ходимлари келишди.

Бўлим бошлиғи Ефим Эммануилович Луничский алоқа пулти орқали слесарлар участкасини телефонга чақирди.

— Қуришни йиғишга туш-

дик, — дейди техник Олег Васильевич ҳисобот бериб. Гап илқ қуртлари қалавлани очиб, усулда саклаш имконини берувчи янги автомат ҳақида боряпти. Илқчиликда бу иш ҳаминча машаққат билан қўлда бажарилган.

Хозир ишлов чиқарши участкасида станоклар ёнида бўлажак автоматнинг дастлабки қисмлари турибди. Слесарлардан В. Шахметов билан Ш. Латипов деталарни тайёрлаб, қуришни тиклашга киришдилар.

Пахта тозалаш сановати асбоблари лойиҳасини ишлаш бўлимида ҳам кун буйи қизғин меҳнат руҳи ҳумрон бўлди. Коллектив илғари яратилган

патани қайта ишлаш қурилмасини такомиллаштириш устида ишлямоқда.

Мана, Бугун бўлимада техник ҳужжатлари қайтадан қўрилмоқда, айрим қисмлар, қайтадан ишлямоқда. Шу йил пахта териш мавсумингача арегати пахта тозалаш мунострилигига тақдим этиш мўлжалланяпти.

Давлат маҳсул конструкторлик бюросининг ходимлари бюро биноси атрофини ободонлаштиришга ҳам алоҳида ҳисса қўшдилар.

Конструкторлик бюросида меҳнат байрами қисқача яқунловчи мажлис билан тугади.

М. САВЕЛЬЕВ.

КЎТАРИНКИ РУҲ БИЛАН БУГУН

коммунистик шанбалликка «Славташкентстрой»нинг эллик минг курувчи, механизатор, инженер ва хизматчилари чиқшди.

Бино пештоқига ялби қўйилган қизил алвонга «Қани, ғайрат қилайлик» деган шпор ёзилган. Бу — «Висотстрой» 17-қуриш бошқармаси коллективининг коммунистик шанбалликка аталган шпоририд.

Ўзбекстон кўчасида қурилайтган маълумий бино қаватларидан бирида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ханима Қоробоев бригадаси билан учрашдик. Бригада аъзолари шанбалликка олдидан тайёрланган. Улар бугун тежаб қолинган ёғоч ҳисобига мажлислар залига ўтиладиган йўлак опалубкасини қурмоқдалар.


Тошкент шаҳар партия комитети аъзоси Собир Ашуров бошчилигидаги монтажчлар бригадаси ҳам ишюнали меҳнат қилляпти.

Улар Жукоский кўчасидаги етти қаватли бинонинг тўртинчи қаватини монтаж қилляптилар.

Бугун юбилей объекти — Ленин хоббени қуришнинг айлмас катта аҳамият берилляпти.

Шанбалликдан тушган барча маблағи «Висотстрой» бинокорлар беш йиллик фондига топширадилар. Уларнинг нияти йиғирма беш минг сўм илқорда маблағ топширдилар.

М. КУЗОВЕНКО.



Ириқ машинасозлик корхонаси «Подъёмник» заводи коллективини ҳам коммунистик шанбалликни намунади ўтказмоқда. Завод атрофидеги кўча ва майдонлар анча тартибга келтирилди. Зарур детал ва механизмлар тайёрлаш топшириқлари эса ортинг билан бажарилди.

СУРАТДА: мастер А. Н. Се медченко сменасининг йиғувчи слесарлари ун тонна юк кўтарувчи кўтарма кранларини йиғиш жараёнида.

М. Нуриддинов фотолари.

„ҚИЗИЛ ТОНГ“ДА ШАНБАЛИК

БУГУН

«Қизил тонг» фирмасининг ишчилари байрам либосида митингга йиғилдилар. Улар коммунистик шанбалликда амалга ошириладиган ишларни масхалатлашдилар. Фирмаининг ҳовлиси ва ҳамма цехлар полаларга тўлиб кетди.

Бундан етти ой муқаддам фирма коллективи Тошкент меҳнаткашларига мурожаат қилиб, 1970 йилнинг 11 апрелида бир жон, бир тен бўлиб коммунистик шанбалликка чиқиш ва шу кунини тежаб қолинган хом ашё материал ва электрэнергия ҳисобига ишлаш даъвати билан чиққан эдик. Мана ана шу оранкиб кутилган дамлар ҳам келди.

Эрталаб соат саккиз. Фирмада биринчи смена иш бошланди. Корхонанинг бир минг беш юз ишчиси

МЎЛЖАЛДАГИ ИШ БАЖАРИЛДИ

БУГУН

эрталабданок завод қовлисига кирверишда бир группа созандлар ёқилли қуяларни икром этди. ишчиларни коммунистик шанбалликка таклиф этидилар. Биринчи смена иш бошлашга ҳам ярим соат вақт бўлса-да, завод территориясига оқиб келаятган тракторсозларнинг кети уқимайди.

«А, бугун ҳамма ўз иш жойига ҳар қачонидан ҳам эрта келди.

— 11 апрель жуда катта байрамдир, — дейди ҳажмон билан Ленин ордени кавалери, завод ветерани, собиқ пресловчи Саттор Муродов. Улкан цехлардаги дастгоҳлар ҳам ишлаш бошларди. Ишчи жойларда смена бошланшига қадар ҳамма асбоб-усуналар, тайёрлов материаллари, барча хом ашёлар тахт қилиб қўйилган эдик. Заводнинг диспетчерлик хизмати бўлими улуг байрам кунинда ҳеч қайси бир станок, ҳеч қайси бир прессинг том ашё йўқлигиндан бир дақиқа бўлса-да тўхтаб қолмаслигининг олдини олган эдик.

«Янги 19-цехда йиғув конвейерлари ишга тушди. Пулат ленталар ҳаркатида келиб, ўз елкаларда кучли тракторларни кўтаря бошладилар. Зимманшдаги буғунига вазири жуда масхуляпти, — дейди цех бошлиғи коммунистик Николай Волосин. — Биз бугун конвейерлардан ўтказта машина тушириб олишимиз керак.

...Заводнинг эски корпусларида ҳам меҳнат кўтаринчилиги ҳумрон.

Ишмаканинг бошланши жуда яқин, — дейди қонқиш билан цех бошлиғи Владимир Белеев. — Унинг сурьати ҳам чакки эмас. Цех коллектив олдига 80 та машина йиғиш вазираси қўйилган.

Завод цехларида иш меъёрида кетаятган бир вақтда, завод бошқармасининг хизматчилари шанбалликни ўтказиш планига кўра группаларга бўлиниб, завод территориясини, спорт комплексларини тартибга келтириш ва ҳар хил дархат ҳамда тул қўчалари ўтказиш билан машғул.

Завод партия комитетида икранили. Бу ерда шанбалликни ўтказиш штеби жойлашган. Партия комитетининг секретари И. Лукияновнинг юзидан хурсандлик аломати сезилиб турибди.

Бухгалтерия хизматчилари рақамларнинг мағзини чақишга киршадилар. Ахир улар кун охиригача неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг аниқлашларни керак-да. Кўзда тутилшича, шу кунин юз минг сўмлик маҳсулот тайёрланшиш керак.

Завод радиоси меҳнат байрамининг дастлабки йилларини лешма-пеш айлор қилиб турибди. Улкан панида эса, тракторсозларга севишли Илқик саккизи боқиб турибди.

«Тошкент оқшом» — «Тракторстройтедь» газетеда редакцияларининг музбирлар коллективини.

Бизнинг Катта санъат байрами

Жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин юбилейи энг улуг ва қўтлуғ тўйга айланади. Бундай улкан тўйларга кўйининг дилрабо оҳанглари, қўшиқ ва рақсларнинг жозибаси янада ғойиз кирилади.

Юбилей арафасида мамлакатимизнинг ҳамма жойида Совет Иттифоқи халқларининг санъат байрами ўтказилмоқда. Мана энди санъат байрами Ўзбекистонга етиб келди. Кўчалардаги хилма-хил афишалар концерт иштирокчилари — ҳурматли меҳмонлар ҳақида хабар бермоқда.

Шу муносабат билан, «Ўзбекконцерт» директори А. Р. Назаров муҳбиримизга қўйидагиларни гапириб берди:

— Доҳийнинг «Санъат халқиники» деган сўзи байрам шiori қилиб олинди.

12 апрелда Тошкентнинг концерт заллари ва томошахоналарида бошланган байрамда Совет Иттифонининг барча республикалардан санъаткорлар қатнашадилар.

Байрамнинг асосий иштирокчиларида бири — «Березка» давлат ракс ансамблининг катта коллективи Свердлов номили концерт залда ўз маҳоратини намойиш қиллади. Мақонга донг қетган савиа юлдузлари ўзбек томошабинларига энг яхши рақсларини кўрсатадилар.

Ансамбль раққосалари мамлакат бўйича ўтказилган Бутуниттифок шанбаллигига яқдиллик билан қўшилганлар. Тошкентда 18 апрелдаги концертда йиғилган пуллар Ленин фондига арумон этилди.

«Баҳор» концерт залда Қозогистон санъат усталари кутиб

олинади. Тантанада машҳур хонанда, СССР халқ артисти Роза Бағланова ҳам қатнашди.

Еш томошабинлар театри Қирғизистон санъат усталари группаси ихтиёрига берилди.

Тожикистонлик хонанда, раққосалар Янгийул районидеги Ҳамроқул Турсунқулов номили колхоз меҳнаткашларининг меҳмони бўладилар.

Округ офицерлар уйига Туркменистон артистлари таклиф қилинган. СССР колхозкорлар союзининг қавратети созандалари қолғулик маҳоратлари билан тинловчиларни мамнуи этадилар.

Санъат байрами республиканинг областлари ва кўпгина шаҳарларида ҳам бўлади. Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Украина ва бошқа республикаларнинг санъаткорлари областларда ўнлаб концертлар берадилар.

Белоруссия Давлат хори «Политотдел» колхозининг маданият саройида ўз санъатини намойиш қиллади.

Ўзбекистон санъат усталари ҳам, бу байрамда актив қатнашадилар. «Баҳор» концерт зали байрамнинг марказларидан бирига айланади. Бу ерда халқаро конкурс лауреатлари пианист Е. Малинин, скрипкачи В. Климов ва бошқалар маҳоратларини намойиш этади.

22 апрель санъат байрамининг якуловчи куну бўлади. Байрам қатнашчилари Санъат саройида катта концерт берадилар.

Бу байрам маҳорат ва нафосат намойиши бўлибгина қолмай, Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги тантанасига айланади.



ҚАДР-ҚИММАТ, ОР-НОМУС ҲАҚИДА

✦ Ҳақиқатни қувватлаш — ✦ Хизматинг билан топмаган
 фахр, ёлғонни қувватлаш — қадр-қадрири излама.

Араб мақоли. Шарҳ мақоли.
 Тўловчи Нарзулла ШОДИЕВ.

Билиб қуйман яхши
Офтобигулқанд

Офтобигулқанд қандай дори? Номидаи маълум бўлиб турибдики, унинг тарихи гул, қанд ва офтоб нуридан иборат. Биринчи эшитишда галати туюлади, лекин бунинг ҳеч ажабларини йўқини. Маълумки, ҳаёт офтобнинг нури билан яшайди, унинг нуридан баҳра олади.

Офтобигулқанд юқорида аниқ этилганидан, офтоб нурининг ҳислатларига асослангандир. Унинг ранги қорамтир, қўнғир-қизил бўлиб, ҳолвайтардек қуюқ, лекин шираси жуда ўткир бўлади (Бу дори иссиқлик дорилар туркумига кирди).

Беморга тахминан ёнғондек миқдорда уч-тўрт марта едилса, кифоя. Қўпроқ еса ҳам зарар қилмайди. Хатто соғлом кишилар ҳам ширинлик сифатида истеъмол қилишлари мумкин. Маъноси ширин, истеъмол қилинганда гулнинг хушбўй ҳиди келиб туради.

Гулқанднинг таркибида янги хос глюкоза, ифори мойлар бор. Улар қанд билан аралашиб, глюкоза ва таъсир қилади. Юрак ва мушаклар қувватга киради, қон қўпаяди. Бу жиҳатдан гулқанд асалга ҳам ўхшаб кетади.

Офтобигулқандни тайёрлаш учун жайдари атиргулларнинг (қизил, пушти, оч пушти) қариган гулбарглари янгиб олиб, шу заҳотиёқ тортиши. Мисол учун гулпроқ юз грамм чиққан бўлса, тўрт юз грамм шакарни тортиб оламиз. Аввал гулпроқни ҳовичага солиб дичамиз. Сўнг эгизлаб, бир идишга сувини соламиз. Қолган тилфини яна ҳовичага солиб, шакар билан дичамиз. Шакар гул тилфи билан аралашиб, шилтеглаб кетади. Кейин янги идишга солиб, ортобга қўямиз. Шунда янги оқ ширша бўлса яхши, чунки оқ ширшадан офтоб нури ўтади. Идиш оғзини ойна парчаси билан ёпиш керак, қопқондан ҳам нур ўтиб турсин.

Дори орталабдан кечгача офтоб тушадиган ерға қўйилмоғи ва у қирқ кун офтобда турмоғи лозим. Агар бир неча марта тайёрланса, идишга охириги марта солинган қўшдан бошлаб саналади ва ҳар кунни ён кун ора бир марта аралаштириб, авлаб турилади. Шунда офтоб нури дорига баравар ўтади. Баъзилар бу дорида қовуриб тайёрлайди. Бунда гулнинг широбакшлиги қолмайди.

Бу дориинг яна бир хислати шуки, ун йил сақланса ҳам айнамайди.

Зокир БОСИТХОНОВ.
Зиқрилла ЭГАМБЕРДИЕВ.

Г У Л Д О Н
 Этюд

ХОНА деразасини ланг очиб юбордим. Чарх уриб эсаётган шабодо урик-олчаларнинг оқ ва пушти-ранг гулбарглари кала-лақдек учириб юрибди. Ҳаво ёқимли, тоза, оламни гул ва майсаларнинг хушбўй муаттар исн тўтиб кетган.

Думадоқ стол устидаги чиройли гулдонга бир даста лола солиб қўйибман. Уни дугоналарим билан тоғ этагидан териб келганман. Лола-лар шундай чиройлики, Лола-ли қандайдя, қўшнинг бир лаҳча чўғидек ловулаб ёнаётганга ўхшайди.

Гулдон ҳам жуда беширим. Уни тугулган куним, утган йил баҳорда, худди шу кунни тақдим этган қора кўз, қундуз соч, бароқ қош лигитни унутмайман. Гулдон ёнига зарҳал билан икки нем ёзилган: «Нигорага бахт тилайман...»

Ҳаёл билан долага тики-ламан. Қалбда қол-қора доғ бор... Нурмоғнинг ўз селгани дўсти, умр дўсти бор. Майли, бахтли бўлсин, ўз селгани билан узоқ умр кўрсин. Айтилмаган, қалбимнинг элгичувор ерида ёнғондек товланган қолган муҳаббатим хурмати, ушба бахт тилайман.

У эсдаликка берган чиройли гулдон умр бўян ба-хоримни эсдайтиб туради, уни доим эълозлайман.

Раъно СУЛТОНОВА.



НУР, ГУЛ, ВА БАҲОР

РАНГО-РАНГ селени-кўз-кўз қилиб ба-хор келди. Қир-адирлар, сой-жилгалар, дала-боғ-лар кум-қуқ майсаларга, минг турли гуналарга бурканде. Бахт ва баҳор кунини. Ҳамид Олим-жон таранкум этганку дем!

Новдаларни бозаб гуналар, Тонгда айта ҳаёт отини.

Тиниб билимас асла-рилар бол инегани сай-ри гулбоғларга парвоз қилдилар. Маҳжнатша асалариларнинг ташви-ши, пирлилаб учини ва, бир залдаги негу-тува-наъмаларини эшитиб за-вқ-завққа тўласиз.

Безанган новдалар сон-саноксиз гул гуна-ларини қуёшга биллур қадаҳдек тутиб, нур си-мляпти.

Гулларга ва шиллик-ка бурканган сулим та-биат инсон камали учун яшариб, ҳаётни яшат-моқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ,
 ва С. КУКУШКИН
 фотоэтюдлари.

ГОВ БЎЛМАСИН ЙЎЛЛАРИМИЗГА
 Зоҳиджон ОБИДОВ.

Шовқинсиз шубҳа сочар,
 Эзидан нил санчиб қочар,
 Сиртдан силлиқ қуриниб
 мудоғ.

Расман дўст бўлиб боқар,
 Муносиб кетсанг хуш оқар,
 Шунда дили топади ором.
 Кунгинг синса, бўтламас,
 Бахтинг кулса, қўтламас,
 Шохинг синса, хол сўрар
 фақат.

Қўздан йўқол! — деб
 бўлмас,
 Кўнгил илмас, тўлмас,
 Андеша бор, қиламиз
 тоқат.

Авроқ билан кун кўрар,
 Одаги ўша-ўша,
 кўркар.

Орамизга ин қураб
 Паноҳ топиб
 андешамиздан.
 Соддан йўлдан урар,
 Ўт кетса, холс тувар.
 Ундаги қалб қалб эмас—
 муздам.

Сен эзгулик қўйида,
 Енсанг юртинг ўйида,
 У жон асраш учун пай
 қўрқар.

Шунинг учун райида
 Пайд беришлик қонда,
 Эртаги кун олдиди
 кўркар.

Шафқатдан товар пеша,
 Туфурмаси тоқатимизга!
 У билмаси андеша,
 Биз нимамиб халқимиз —
 Неҳуи ахир айтмаймиз
 юзга!

Мардлик майдонга қирар,
 Номард памага урар,
 Қўм сочмасин
 қўларимизга!
 Халол ўз суали бўлар,
 Нолоқ кўш юзли бўлар,
 Доғ сочмасин
 юзларимизга!
 Гов бўлмасин
 йўлларимизга!
 6-апрель, 1970 йил.

ХАЖВИЯЛАР

ЎРТОБИМ қаттиқ иситилмаб, бетоб бўлиб уйга кетди. Эртасига ҳам ишга келмади. Индинига ҳам. Иш бошдан охиб кетганлигидан хабар ҳам ололганим йўқ.

Бир кун ишдан кейин Йўқсинбойга, қани ўртоқ Бугун Бориб дўстимизни қўриб келайлик, дедим. Унга маъқул тушди.

Қўнғирок кинокасини босган эдик, ичкаридан келинглэр, кираворинглэр, деган овоз эшитилди.

Ичкарига кирдик.

Хона уртасидаги стол ажойиб қилиб тусатиб қўйилган. Жамики, нозуқамат стол устида қилиб турибди.

Йўқсинбойнинг кўзи унга тушди-ю, ўзини йўқотиб қўйди. То мен Маҳмуд ақанинг соғлигини сўраб хол ахвол сўриштиргунча қадар, у стол устидаги бор нарсани саранжом қилиб бўлди. Уялганимдан лоледек кизариб кетдим.

— Нима бўлди, мулла Ка-мол. Иситилмагиз чиқаяптими! — ташвишланиб сўради Маҳмуд ака.

— Йўқ-э, уй иссиқ бўлса керак, — дедим хижолатомуз. Маҳмуд акага соғ-саломат-лик тилаб хайрлашдик.

Йўлда Йўқсинбойни ранги ўчо бошлади.

— Мулла Камол мезам қоч-япти, деди — худди Маҳмуд экедан манага ҳам касал ю-қанга ўхшайди. Кунглим айниб, қорним оғриятти.



ИНСТИТУТНИ бирга битир-ган дўстим Каримжон қўнғирок қилиб уч-тўрт икчи учрашишимиз илтимос қил-ди. Бамаслаҳат, шанба куни роса соат 2 да Каримнинг ўй-ида ийгилашадиган бўлдик.

Шанба ҳам етиб келди. Уй-даги ишларни битириб, энди чиқиб кетаётган эдим, теле-фон жиринглаб қолди.

— Мулла Камолми?
 — Ҳа, мен.
 — Танияпсизми?
 — Танияпман. Йўқсинбой, соғлиқларингиз яхшими!
 Хуш, хизмат эшитман.

— Ҳа, шанба кунини Карим-жонга соат 2 да учрашимиз деб вақда берган эдингиз, ёдингиздан кўтирилмадимми? — Ҳозир ўша ёққа кетаётган бул-сангиз керак. Сиз уйдан тўри бораворини, мен ҳам етиб бераман. Хайр, қўнғирок.

Телефон трубкасини қўйдим-у, таъбиим ачка хира бўлди. Бормай десам, дўстларим хафа бўлишди. Борсам. Йўқ-синбой ҳам бораркан. Йўқсинбой қақдан билди экан. Таваккал қилиб бордим.

Жамоат жам, Каримжон, Ра-ҳим, Исроил, Зоҳид, Пўлат, Маждид — ҳаммалари ўтири-шибди. Йўқсинбойнинг йўқли-гидан жуда хурсанд бўлиб, кунглим ёришиб кетди.

— Ассалому-алайкум, — дўстларим билан бирма-бир кўришиб қилдим. Кейин мак-таб, студентлик даврини эсла-дик: бўлиб ўтган баъзи бир

Қушлар «консерваторияси»

Свердловск шаҳри-рида сайроқи қушлар ишқибози Дмитрий Дев ашайди. Унинг уйи ўзига хос қушлар «консерватория» сидир. Қафасларда сайроқи қанарейкаларнинг ҳар хил турлари бор.

Эллик йилдан бери Дмитрий Никитич қанарейкалар билан маш-ғул. У қанарейканинг «Свердловск» зоғини яратди. Бу қушлар-нинг патлари чиройли, сайраши майин. Шу қушларда бу кичкина қушчаларнинг айни «юкперт» берадиган пайти.

— Маҳмуд акага ақиллаш-мадингиз-ку, қанақасига касал юқсин сизга, — дедим. — Кат-тиқ оғриятими! «Тез ердими-га олиб борайми!»

— Йўқ-э, ўтиб кетса керак. — Нима еяқолувдингиз!
 — Мулла Камол, фақат стол устидаги қазм, қижм, норин, асал, сариқ мой, охирида ик-кита олма-ю, бир анор евдим атиги, бунчалик бўлмаслиги керак эди.

— Фақат босиб-босиб чой ик-сангиз бўлгани, Йўқсинбой, э-ски касалингиз нафис бузуқлик, касали. Эҳтиёт бўлинг, оқибат ёмон бўлади, — дедим аф-сусланиб.

ВОКЗАЛНИ эслаб роса ку-лидик. Биримиз инженер-ку-рувчи, биримиз олими; яна би-римиз совет ходими, яна би-римиз врач, яна биримиз жур-налист бўлганлигимиз учун суҳбатимиз мавзун ҳар соҳа-ейниқса, меҳрибонлик, ғамхўр-лик ҳақида борарди.

Суҳбатимиз жуда ҳам қизиқ турганда, Карим қўлинг ўр-ғулсин паловхон турочи олиб кели-либ ўртага қўйди.

— Қани йигитлар, ошга қа-рентлар, бироз танарфус, ке-йин давом эттирамиз, — де-ди.

Энди ошга қўл ураётган эдик, худди осмондан тушган дай Йўқсинбой қаверандир пайдо бўлди.

— Ассалому-алайкум, келин-келиниг, Йўқсинбой,— дедим-у, томоғимга коптоқдек бир нар-са тикилди.

У жойлашиб ўтириб олиб, қани олинглэр ошдан, мен ҳозир ошклатанам, дех киш-га тушиб кетди.


Хаш-паш дегунча, худди би-рор еққа шовшётгандай, ҳар бир олишда чақалоқнинг бо-шидай қилиб олиб, олдидаги ошни ўмириб қўшни томон хужум қила бошлади. Бошқа-лар икки-уч марта ҳам олиб улгурмасдан, Йўқсин ошни ро-са турдач учини ёб битирди. Қолганини ҳам пақосқос туши-риб, бир чойнак чойни ичди-ю, кечирасизлар, менинг озорқ ишим бор эди-ю, деб, хайрла-шиб кетди. Ҳамма менга бир-бир қараётганининг сезсам ҳам, нима деб гап бошлашни билмасдим.

Карим жонимга оро кирди. Худди ҳеч нарса билмагандай:

— Қани йигитлар, нима тўг-рисиде баҳлашаётган эдик,— деб ўртада ҳукм сураётган жимликни бузди. Суҳбатимиз ачка қизди, лекин кўнглим га-мон гаш эди.

Кўш ўз ёстиғига бош қўя бошлаётганда тарқалдик.

Уйга келиб кечаси билан ухлай олмадим. Кўз олди-да Йўқсинбойнинг ошдан ейи-ши кетмасди. Унинг беодоб-лигидан хижолат бўлганлиги-ни ўйлаб, нима учун унга шун-чадан бери насасат бермаган-нимдан афсусландим. Ундай



Рустам ШОҒУЛОМОВ.

десам, у еган мақолаларда ақли фикрлар борки, хатто ҳавасинг келади киши. На-хотки, унга ўзи амал қилма-са, демак, бу фикрлар уники эмас экан-да. Шуларни ўйлаб ўхлаб қолибман.

Эрталаб бошим худди қо-воқдек бум-бўш бўлиб турди. Хонамга кириб энди ич бош-лаган эдим, телефон жирин-лади.

— Зил йигитсиз-де, мулла Камол, — Йўқсиннинг сўз-э-шитилди, — ақдларингизни айтмайсизми, маровой, мэр-вой дельверинг. — Кем-расиз, кеча вақтинг ачка эди, бўлмасе роса паловимсан пе-лоа бўлган экан, жоним хи-килдоғимга қадди-ю.

— Ҳа, Йўқсинбой яна бироз ўтирганингизда ачхак бўлар-ди, — дедим секин.

— Ҳа, айтгандай. Яна ийги-лишадиган бўлсангиз, хабарсиз қолмай, айтасиз-э, — деди-да, трубкани қўйди.

У билан яна ўтиришга бо-ришни кўз ўнгимга келтириб зил кетдим.

Боланинг тили ширин
КЎРПА

Бир олифта олачи-пор қўйлак қийиб бо-рарди. Унда ойнинг қараб деди:

— Ойи, ойи, анави кишига, қаранг менинг кўрпачамни ёпишиб кетаяпти...

«БЕШ»

Ҳисоб дарси эди. Муаллим Гулнорни доскага чиқариб, «ўн-гача санагин» деди. Гулнор шариллатиб айта кетди.

— Бир, икки, уч, тўрт, беш, беш... — аммо уёғини эсдан чиқариб қўйди.

— Она, — деди у жылмайиб, — бешгача санадим-ку, «беш» қўя қолинг.

Ҳабиб РАҲМАТ.



ЮМОРЛАР

— Гейне, француз тилини ўрганиб қи-йинми?

— Йўқ, бу жуда ҳам осон. Немис сўз-ларининг ўрнига фран-цуз сўзларидан фой-далансангиз вассалом.

— Менинг ўғлим чўкиб кетаётганда уни сиз қўтариб қол-дингизми?

— Ҳа.

— Бўлмасе айтми-чи, ўғлимнинг кийиб юрадиган дўпписе қа-ни?

М. Қориеқубов номли ўзбек Давлат филармонияси қошидаги «Лазги» хоразм ансамблида кўнгина хушовоз хонандалар бор. Ана шулардан бири Шариф Султонов. У иккунга этакетган қўшнлар жуда ёқимли.

М. Нуриддин фотоет.

Рассом табассуми

— Бир, икки, уч, тўрт, беш, беш... — аммо уёғини эсдан чиқариб қўйди.

— Она, — деди у жылмайиб, — бешгача санадим-ку, «беш» қўя қолинг.

Ҳабиб РАҲМАТ.



ЮМОРЛАР

— Гейне, француз тилини ўрганиб қи-йинми?

— Йўқ, бу жуда ҳам осон. Немис сўз-ларининг ўрнига фран-цуз сўзларидан фой-далансангиз вассалом.

— Менинг ўғлим чўкиб кетаётганда уни сиз қўтариб қол-дингизми?

— Ҳа.

— Бўлмасе айтми-чи, ўғлимнинг кийиб юрадиган дўпписе қа-ни?

М. Қориеқубов номли ўзбек Давлат филармонияси қошидаги «Лазги» хоразм ансамблида кўнгина хушовоз хонандалар бор. Ана шулардан бири Шариф Султонов. У иккунга этакетган қўшнлар жуда ёқимли.

М. Нуриддин фотоет.

АЖОЙИБОТЛАР
КУНЛАРДАН БИР КУН...

Бир чет эл дипло-мати Америка прези-денти Авраам Лин-кольн хузурига ке-либ, унинг ўз боғи-насини ўзи тозалаш-ганини кўриб қолди.

— Не,— ажабланиб динломади,— президент бўла туриб, ўз боғи-насини ўзингиз тоза-лайсизми??

— Албатта,— жавоб берди Линкольн ба-майхотир,— сиз кимнинг боғинасини тозалаясиз?

Кунлардан бир кун Виктор Гюгенинг зар-ур иши қилиб қол-ди. Ишдан чалимас-лик учун, ёзувчи со-ва соқолининг ярини олиб, қайчининг дера-зда ташлаб юборди. Бу билан у, ўзини соч-соқоли ўғунча уйда қолшига мажбур қил-ди ва шу сабабли ишни ўз вақтида ту-галлади.

Бир миллионернинг хотини рассом К. П. Брюлловдан портрет-ни чизини илтимос қилди. Портрет тайёр бўлганда, хоним ноз қила бошлади:

— Билмадим, нима-сидир менга ёймапти. Балки ёмон бўқ-лар сотиб олгандир-сиз?

— Бўёқлар ҳақида гап кетганда, портрет албатта сизга ўхшаб бўлиши керак, Чунки мен уларни сиз юзи-нгизга бўёқ оладиган магазиндан харид қи-ламан.

Генри Гейне билан суҳбатлашаётиб, мух-лис аёллардан бири тўқилганиб деди:

— Мен сизга ўз ўй-ларимни, қалбимни ва юрагимни тақдим эта-ман!

— Бажондир қабул қиламан,— деди та-бассум билан шонр,— кичик савгаларни ол-маслик одобдан эмас.

ГАПИРУВЧИ ОЙНА

Кичи витрина ёнига келади, унга уч метр-лар чамаси яқинроқ қолганда, қўйилган то-варларни реклама қилувчи майин овоз эши-тилди. У яширинган динамикини илаб ўтир-маса ҳам бўлади. Чунки динамикининг ўзи йўқ. Витрина ойнаси овоз берипти. Қўрнимас радионинг ишлаш принципи ана шундай. Сўз-ловчи ойнани ўйлаб топанг конструкторлар-нинг бундай ҳимматига қойил қолмай бўлади-ми!

МАМОНТ ҚАРМОҚДА ИЛИНДИ

Польшалик балиқчи Пилица дарёсига қар-моқ ташлаб, мамонтни олиб чиқди. Бўтун бир мамонт эмас, албатта, унинг икки тиши илинди. Лодзлик археологлар балиқчининг қармоғига ҳақиқатдан ҳам мамонт тишлари илинганлигини тасдиқлашди.

«ЮМРОНҚОЗИК»

Агрегатчи ясаган СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Кончилиқ ишлари институти олимлари уни пневматик пробойник деб ата-ди. Машина турли операцияларни бажаришга мўлжалланади. Унинг ердимида қудуқ, зовур, порташ ишлари учун узунлиги 50 метргача бо-риданг кудуқлар қавласа бўлади. Установка тош йўллар, автомобиль йўллари ва кўчалар ос-тидан лаҳж қазийша имкон беради.

ТОШКЕНТ ШОҒИМ
 3-БЕТ

14-АПРЕЛЬ, 1970-й.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


ТАКСИ — ШАҲАР ТРАНСПОРТИНИНГ
ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ТЕЗ ЮРАДИГАН ТУРИДИР




В-31-403
В-31-667




ТОШКЕНТДА БУТУН СУТКА
ДАВОМИДА ТАКСИ ЗАКАЗ ҚИ-
ЛИШ БУРОСИ ИШЛАЙДИ. Таски-
лари: 33.14-03, 33.16.67 телефон
номерлари бўйича «Қириш мун-
ини», «Аэропорт», «Вокзал», «Ка-
линин номи майдон», «Апана-
сенко кучаси», «Аэропорт агент-
лиги»даги такси тўхташ жойла-
рининг диспетчерини пўнглири-
да ҳам йўлга чиқиш олдидан
такси заказ қилиш мумкин.
Диспетчер заказчиға заказ
қанча вақт ичда бажарилишини
маълум қилади.



7. Автомобилнинг қайси пар-
ка қарашли эканини унинг
багажникидаги ва напотидаги со-
нидан аниқлаш мумкин.



2. Такси нундуз кунни бемалол
бўлади ва бу вақт машина ҳужа-
ли ишлари билан ва экскурсия
қилиб юриш учун қулайдир.



3. «Аэропорт», «Вокзал», «Ка-
линин номи майдон», «Курант-
лар», «Ассанинский» тўхташ
жойларида диспетчер пассажир-
ларни машинаға утқизишни
уюштиради.



4. Ҳомилдор аёллар, инвалид-
лар ва мактаб ёшигача бўлган
болалар пассажирлар навбатсиз
такси олишлари мумкин.



5. Такси: йўлдан мактаб ёши-
гача бўлган болалар билан тўрт
инишни олиши мумкин.
Пассажир ўзининг маршрутини
таъкиф қилмаса, ҳайдовчи уни
энг яқин йўл билан нўзлаган
манзилға олиб бориб қўйиши
керак.

**В. И. ЛЕНИН ТУФИЛГАН КУНИНИНГ
100 ИЛЛАНИГА БАҒИШЛАНАДИ**
СССР ХАЛҚЛАРИ САНЪАТ БАЙРАМИ
ЎЗБЕКИСТОНДА 12-22 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ЎТҚАЗИЛАДИ
ЎЗБЕККОНЦЕРТ
СВЕРДШОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
14, 15, 16, 17, 20, 21, 22 апрель неч соат 8 да
18 апрель кундуз соат 12 ва неч 8 да
«БЕРЁЗКА» ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
(110 кишидан иборат)
Ансамблининг бадий раҳбари — СССР халқ артисти Н. НАДЕЖДИНА.
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
16 апрель неч соат 8 да
Арманистон ССР халқ артисти
АРТУР АЙДИНЯН
(тенор)
КОНЦЕРТИ
Концертда ғанимочи — Александр ДЕДУХИН қатнашади.
Программада: рус ва совет композиторларининг асарла-
ри, опералардан ариялар, грекча, испанча ва неополитан-
ча қўшиқлар.
ЕШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ
12 апрель неч соат 8 да
**ҚИРГЎЗИСТОН ССР САНЪАТ УСТАЛАРИ
ВА ЭСТРАДА АНСАМБЛИ**
Қатнашадилар: Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган
артист Эстебес ТУРСУНАЙЕВ, Мемликан ҚОЗУБЕКОВА,
Қирғизистон ССР Давлат филармонияси опера ва балет
театри, эстрада ансамбллариининг солистлари.
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
13 апрель неч соат 8 да
**ЛЪЕЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТОРЛИ
КВАРТЕЛЛА ХАЛҚАРО КОНКУРСИ ЛАУРЕА-
ТИ**
(1. мунофот)
СССР КОМПОЗИТОРЛАР СОЮЗИ КВАРТЕТИНИНГ
КОНЦЕРТИ
Квартетда: Александр АРЕНКО (1 скрипка), Сергей
ПИЩУГИН (2 скрипка), Михаил ГЕЛЛЕР (альт), Дмитрий
ФЕРШТМАН (виолончел) қатнашадилар.
Программада: ВЕТХОВЕН, ШОСТАКОВИЧ, МОЦАРТ, РАВЕЛЬ,
ЛЕВИТН, К. ХАЧАТУРЯНларнинг асарлари.
ТОШКЕНТ ОФИЦЕРЛАР УИДА
12 апрель неч соат 8 да
**ТУРКМЕНИСТОН ССР САНЪАТ УСТАЛАРИ
НИНГ КОНЦЕРТИ**
Туркменистон ССР халқ артисти Роза ХУДАЙБЕРГАНОВА
ва филармония солистларининг иштирокида
**«АМУДАРЕ МЕЛОДИЯЛАРИ» ЭСТРАДА
АНСАМБЛИ**
Ансамблининг бадий раҳбари (Туркменистон ССРда хиз-
мат кўрсатган маданият раҳбари) Р. РАҲМЕДОВ.
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
12 апрель неч соат 8 да
**ҚОЗЎГЎСТИОН ССР САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ**
СССР халқ артисти Роза БОГЛАНОВА ва мюзиконцерт
солистлари иштирок этади.
**«ТАШАВТОМАШ» ЗАВОДИНИНГ МАДАНИЯТ
УИДА**
15 апрель неч соат 8 да
**МОЛДАВИЯ САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ**
МОЛДАВИЯ МУЗИКА, АШУЛА ВА РАКС ЭСТРАДА АНСАМ-
БЛИ ИШТИРОК ЭТАДИ.
Қатнашадилар: Молдавия ССРда хизмат кўрсатган артист
ИОН БАСС, Саладин ва инструментал ансамбль
Бадий раҳбар — Валериу НЕГРУЦИ.
ТУҚИМАЧИЛИК САНЪАТ САРОВИДА
17 апрель неч соат 8 да
КАБЕЛЬ ЗАВОДИ МАДАНИЯТ УИДА
19 апрель неч соат 8 да
ТИКУВЧИЛАР МАДАНИЯТ УИДА
21 апрель неч соат 8 да
БЕЛОРУССИЯ ССР ДАВЛАТ ХАЛҚ ХОРИ
Бадий раҳбар — СССР халқ артисти Г. И. ЦИТОВИЧ,
Программада: СССР халқларининг ашула, музика ва рақс-
лари.
ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УИДА
19 апрель неч соат 8 да
РИГА ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ
Оркестрининг бадий раҳбари — Латвия ССРда хизмат
кўрсатган маданият арбоби
РАМОНДС ПАУЛС.
Музика раҳбари — Айварс КРУМИНЬШ,
Солистлар: Маргарита ВИЛЦАНЕ, Эдмунд РОМАНОВСКИЙ,
Ояр ГРИНБЕРГ.
ВОКАЛ АНСАМБЛИ
Программа — ГЕНОВЕВА СКАНГАЛЕ олиб боради.
Программада — эстрада музикалари.
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
21 апрель неч соат 8 да
ФОРТЕПЬАНО МУЗИКАСИ КЕЧАСИ
Халқро концертлар лауреати Валерий КЛИМОВ.
Программада: совет, рус ва Ғарбий Европа композиторла-
рининг асарлари.
Концерт залларида, Маданият саройларида ва маданият
уйлари кассаларида концертлардан уч нум олдидан билетлар
сотилади.
Насаллар кундуз соат 2 дан, район кассалари эрталаб
соат 11 дан оқин.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявоналар қабул қилинади.

«Пахтакор»нинг рақиблари «СПАРТАК» (МОСКВА)

Эртага республика Марказий стадионда «Пахтакор» футбол бўйича СССР биринчилигининг навбатдаги турда Москванинг «Спартак» командаси билан учрашади. Куйинда биз газетхонларинг ҳамшаҳарларининг рақибини — «Спартак» командаси билан нисбатан таништирамиз. Туқиз марта СССР чемпиони — «Спартак» барча мамлакат биринчиликларида иштирок этган. Команда 1936 (кузда), 1938, 1939, 1952, 1953, 1956, 1958, 1962, 1969-йилларда чемпионатнинг олтин медалларига, беш марта кумуш медалларига ва олти марта бронза медалларига сазовор бўлган.
«Спартак» мамлакат биринчиликларида бутунгача кўнға қадар 804 учрашув ўтказган. 415 учрашув уларнинг галабаси билан. 197 учрашув дуранг натижа билан тугаган. 192 учрашувда эса спартакчилар мағлубиятга учрашган. Тўплар нисбати — 1496:880 «Спартак» фойдасига.
СССР Кубогини команда 1938, 1939, 1946, 1947, 1950, 1958, 1963 ва 1965 йилларда қўлга киритган.
Туриш йилларда «Спартак» шарафини А. Ильян, А. Масленин, Б. Татунин, М. Огонков, Н. Симонян, С. Сальников, А. Исаев, А. Парамонов, И. Нетто, ва Г. Хусанов каби таниқли футболчилар ҳимоят қилишган. Г. Хусанов ҳозир команда капитани.

1968 йилдан бошлаб москваликларнинг қўли бағлид келмоқда. Шу йили йил ичда «Пахтакор» ўз рақибидан тўрт учрашувда бир очко олди ҳолос. Тўплар нисбати — 27:20 «Спартак» фойдасига.
Бу йилги мавсуми «Спартак» бироз суст бошлади. 5 очко билан спартакчилар ҳозир турнир жадвалининг саккинчи ўрнида туришди. Улар «Торпедо» (Кутанси), «Арарат» (Ереван) ва «Нефтчи» (Боку) командалари билан дуранг ўйнашди. Тбилиси динамичлариға 0:2 ҳисоби билан юташиб, олий гуруҳдада биринчи марта қатнашаётган «Спартак» (Оржоникидзе) командасини 5:1 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар.
Команданинг катта тренери — СССРда хизмат кўрсатган тренер, хизмат кўрсатган спорт мастери Н. П. Симонян, тренери — РСФСРда хизмат кўрсатган тренер, хизмат кўрсатган спорт мастери А. К. Исаев, команда бошлиғи Н. П. Старостин.

ФУТБОЛ

БУРЧГА САДОҚАТ ҚАНИ?

Олий лигада республикалик спорт шарафини ўйнади оери «Пахтакор» командаси ҳимоят қилиб келаяпти. Ўзбекистоннинг ўзбек шайхони кишилоғи мўқси, «Пахтакор» командасининг муҳлиси топилаеса. Хўш, ана шундай юз минглаб муҳлисга эга бўлган олий лигадаги игона команданин уларнинг ишончини қандай оқлайди т и? Умуман оқлайдими? Бу саволларга мамлакат чемпионатининг дастлабки ўйинлари жавоб берди: оқлаш олмади. Сабобми? Баҳона кўй-у, лекин, аниқ сабабини айтиш мушкулгоа ўхшаб қолди.
Республикамизда 11 команда СССР биринчилигининг «Б» класи, уч коллектив «А» класининг икки и ч и гуруҳа мусобақаларида қатнашапти. Афсуски, командаларининг сон кўй-у, салмоғи йўл. Наҳотки, республика мизда футбол шунчаки омилашган бўлсаю, олий лигадаги игона вакилимиз ўз қаддини ростлай олма-са? Ахир, минглаб команда муҳлислари то-кайгача стадиондан бош эгиб чиқиб кетишадилар? Мана ўз майдонда 5 ўйин ўтказган командами бор йўти 2 очко олди. Ўз дарвозасидан. 12 та тўп ўтказиб, рақиб дарвозасини бир мартагина забт эта олди, ҳолос. Ўз майдонда ўн минглаб муҳлислар мададор бўлиб турган бир пайтда юта-қазса, рақиб майдонда «Пахтакор» қандай ўйин кўрсатар экан?
Келинг, яхшиин бу саволга жавоб беришадан олдин командадаги аҳвол билан танишайлик. «Пахтакор» бу йил ўз сафини, айттарлик, тўла сақлаб қолди. Ўйинчи л а р ўша, 1966-йилда

9-ўринини эга л а гашилар. Йиллар ўтиши билан уларнинг маҳоратлари ҳам, тажрибалари ҳам ошган бўлиши керак. Магман деган рақи б и и доғда қолдирадиган қонияда мана бу йилги мавсум бошландақ ўзини ўнглабмаляпти.
Ўтган йили Михаил Иосифович Якушининг «Пахтакор»га катта тренер бўлиб келганини эшит т и б ҳамма хурсанд бўлган эди. Мамлакатимиздаги энг яхши тренерлардан бири бўлган бу мураббийга ўзбек футбол ишқибозлари катта умид боғлаган эдилар. Афсуски, команда ўтган мавсумда ниҳоятда ёмон ўйнаб ўзга олий лигада қолди.
Тўри, асосий саставини муваффақият-ли ўйнаши учун уларга муносиб ўрин босарлар бўлиши керак. Бундан икки йил муқаддам, команда учун ёш талантди ўйинчилар топш ваифаси Евгений Борисович Валцикийға топширилган эди. Бутун бир йил давомнда Евгений Борисович топган «истеъодли» ўйинчилар состави ичда охириги ўринини эгаллади. Турнир жадвалидан, шунчаки, охириги ўринини эгаллаш учун бир йил овера бўлиши шартмики? Устоз цўноқ бўлса, шогирди нима бўларди! Наҳотки, республикамиздаги қанчадан-қанча футбол командалари сафидан «Пахтакор» учун муносиб ўйинчи топил-маса? Ҳозирги пайтда «Пахтакор» сафида ўйнаётган Ҳамид Рахматуллаев, Ахрол Инолов, Рахман Юнусов, Тўлаган Исҳоқовлар республикада хизмат кўрсатган тренер Маъриф Акбаровдан кўп нарса ўр-



СУРАТДА: «Пахтакор» — «Спартак» командаларининг ўтган йилги учрашуви. Б. Иброҳимов меҳмонлар ярим ҳимоясини Н. Киселев билан тўп учун курашмоқда. Н. Надеждини фотоси.

Текниҳўрлик, безорилик ва ичкилибозликка шафқат йўқи! ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилик учун қамалганлар
*Прокопьев Ю. 1948 йилда туғилган. Оренбург кучасидаги Рассом «Б» президининг 8 «А» уйда туради. Урта Оснб темир йўли Тошкент товар станциясининг вагон депосида ишлайди. 2-нон заводда ётоқхонасида жамал кўтарганлиги учун 10 суткаға ҳўкм қилинди.
*Мақрушин К. К. 1920 йилда туғилган. Ок тета массивидаги 22-ўйининг 3-квартирисида яшайди. Ҳўжалик бусу-юмлари заводининг газ ди-электрпайвандчиси. Маст ҳолда жамоат жойида тартибни бузганлиги учун 15 суткаға қамал-ди.
Ленин район хўшёрхонасида маст ҳолда Вокзал олди майдондан келтирилди.
Киселев В. Ф. 1936 йилда туғилган. Тошкент темир йўли энергетика бошқармаси бо-энергетини. Куйбишев шоссесидаги 119-ўйининг 7-квартирисида туради.
Ҳамза район хўшёрхонасиға Пролетар кўчасидан маст ҳолда олиб келинди.

Хўшёрхонада тунаганлар
*Дмулин В. А. 1925 йилда туғилган. 7-кур-лиш трестига қарашли 71-бошқарма бригадир. Йўлдош шаҳарча, 1-квартал. 51-ўйининг 4-квартирисида истикомат қилади. Ленин район хўшёрхонасиға маст ҳолда Вокзал олди майдондан олиб келинди.
*Мишин И. Т. 1928 йилда туғилган. 7-кур-лиш трестига қарашли 71-бошқарма бригадир. Йўлдош шаҳарча, 9-квартал. 41-ўйининг 12-квартирисида туради.
Ленин район хўшёрхонасиға маст ҳолда Вокзал олди майдондан олиб келинди.
Киселев В. Ф. 1936 йилда туғилган. Тошкент темир йўли энергетика бошқармаси бо-

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.